

**“ШАРГУН КЎМИР” АЖ акциядорларининг  
2023 йил якуни бўйича умумий йиғилиши  
БАЁННОМАСИ № 1**

**2024 йил 28 июн Соат 16-00**

**Шаргун шахри,  
А.Икромов кучаси 50-уй**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи  
акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони:

**14 989 243 дона**

Шундан умумий йиғилишда Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф  
буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган овозларнинг сони:  
**14 979 507 дона**

Санок комиссияси раиси Х.Х.Каримов сўзга чиқиб, жамиятнинг умумий  
овоз берувчи акциялар сони **14 989 243 дона** эканлигини, шундан умумий  
йиғилишда қатнашиш учун **14 979 507 дона** акцияларнинг эгалари рўйхатдан  
ўтиб, ушбу йиғилишда иштирок этаётганлигини, бу акциялар умумий сонининг  
**99,9** фоизини ташкил этишини ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий  
йиғилишини ваколатли деб топиш учун кворум мавжудлигини маълум қилди.

Амалдаги қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ кузатув кенгаши  
раиси Р.П.Юсупов акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига раислик қилди.

Йиғилиш раиси Р.П.Юсупов кворум мавжудлигини эътиборга олиб,  
акциядорларнинг умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва умумий  
йиғилиш раёсатига 3 кишини яъни, Р.П.Юсупов, М.А.Азизкулов,  
Х.Н.Хасиловларни сайлашни таклиф қилди.

Раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш котиблигига  
Х.А.Ташкулов сайланди.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Санок комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият фаолиятининг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият фаолиятининг 2023 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини тасдиқлаш.
8. Жамият томонидан 2023 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шаклини, тартибини ва тўлаш муддатини тасдиқлаш.

9. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтиришни тасдиқлаш.

10. Жамиятнинг 2023 йил яқунлари бўйича Халқаро молиявий стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларини Халқаро аудит стандартлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.

11. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.

12. Жамиятнинг 2024 йил учун Бизнес - режасини тасдиқлаш.

13. Жамиятнинг 2023 йил учун фаолият самарадорлигининг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилишини тасдиқлаш, жамият бошқарув органларига тўловлар ва компенсация тўлашни тасдиқлаш.

14. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти яқунлари бўйича ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини тасдиқлаш.

15. Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги 1-масала бўйича,** Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши санок комиссияси таркибига Х.Х.Каримов, Б.С.Нормаматов ва Р.У.Исмадияровларнинг номзодлари тавсия этилганлигини ва акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги ушбу масалалар Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакилларидан ушбу учта номзодлардан иборат санок комиссиясини сайлаш тўғрисида таклифини маъқуллашди. Ушбу номзодларни тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича қўйидаги  
Қарор қабул қилинди:**

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши санок комиссияси Х.Х.Каримов, Б.С.Нормаматов ва Р.У.Исмадияровлардан иборат таркиби тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 2-масала бўйича,** Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари таништирилган ва акциядорлар умумий йиғилишининг қўйидаги регламентини тасдиқлаш учун овозга қўйилган:

Кун тартибидаги барча масалалар бўйича маърузачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақиқа.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қўйидаги  
Қарор қабул қилинди :**

1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш регламенти тасдиқлансин.

2. Сўзга чиққан маърузачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақиқа вақт берилиши тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 3-масала бўйича,** “Шарғункўмир” АЖ бош директори в.б. М.А.Азизкулов томонидан жамиятнинг 2023 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари ва 2023 йилга мўлжалланган бизнес-режанинг бажарилиши юзасидан қуйидаги ҳисобот тақдим этилди. (*Ҳисобот илова қилинади*).

### **I. 2023 йилда асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари:**

Корхонанинг асосий фаолияти кўмир қазиб чиқариш ва сотиш ҳисобланиб, 2023 йилда режа бўйича белгиланган 435,0 минг тонна ўрнига амалда 338,8 минг тонна кўмир қазиб олиниб, режа 77,9 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврида 265,0 минг тонна кўмир қазиб чиқарилган бўлиб, ўсиш суръати 127,8 фоизни ташкил этди.

Кон юзасини очиш ишлари 2023 йилда 896,0 минг куб метр режалаштирилган бўлиб, амалда 1 676,9 минг куб метрга бажарилиб, режага нисбатан 187,2 фоизни, ўтган йилга нисбатан 148,8 фоизни (2022 йилда 1 127,0 минг куб метр) ташкил этди.

Лаҳм ўтиш ишлари режадаги 5 544,0 погон метрга нисбатан амалда 3 101,0 погон метрга бажарилиб, режага нисбатан 55,9 фоизни ташкил этди.

Кўмир қазиб олиш режасининг бажарилмай қолишига асосий сабаб “Шарғункўмир” АЖ ни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси 2023 йил ноябрь ойида ишга туширилиб, лойиҳа доирасида йил якунига қадар 100,0 минг тонна кўмир қазиб олиш режалаштирилган эди. Аммо инвестиция лойиҳасининг ер ости кон лаҳмларига тоғ-кон ускуналарини монтаж қилиш ишлари мураккаблиги жиҳатидан Ўрта Осиёда ягона ҳисобланганлиги сабабли ер остига олиб кирилаётган ускуналарни (132 дона креп) монтаж қилиш ишларига кўп вақт талаб этилди. Юқоридаги ўзгаришлар сабабли лойиҳа 2023 йил декабрь ойининг охиригача кунларида ишга туширилиб, лойиҳа доирасида 4,0 минг тонна кўмир қазиб олинди.

Кўмирни етказиб бериш кўрсаткичи 2023 йилда 435,0 минг тонна режалаштирилган бўлиб, амалда 315,5 минг тоннага бажарилиб, режага нисбатан 72,5 фоизни, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 124,2 фоизни (2022 йилда 253,9 минг тонна) ташкил этди.

Қора металл парчалари топшириш режаси 82,0 тонна бўлиб амалда 82,1 тонна топширилиб белгиланган топшириқ 100 фоизга бажарилди.

### **II. Молиявий натижалар:**

2023 йилда жамиятнинг жами даромадлари 121 309,2 млн. сўм бўлиб режа 77,0 фоизга, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 120,3 фоизни ташкил этди. (2022 йилда 100 852,4 млн.сўм ни ташкил қилган).

**Даромадлар таркиби қуйидагилардан иборат:**

- кўмир маҳсулотини сотишдан даромад (91 420,3 млн.сўм) – 75,4 фоиз;
  - темир йўл хизматидан даромад (26 624,8 млн.сўм) – 21,9 фоиз;
  - бошқа даромадлар (3 264,1 млн.сўм) – 2,7 фоиз;
- Жами харажатлар 119 953,9 млн.сўм ни ташкил этди.

### **Шундан:**

- йил бошидаги тайёр маҳсулот қолдиғи таннархи – 4 563,1 млн.сўм.
- ишлаб чиқариш харажатлари 68 694,6 млн.сўмни ташкил этди. (2022 йилда – 55 922,0 млн.сўм);

- Ишлаб чиқариш таннархи 1 тонна кўмир учун -202 783 сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан таннархни 8 236 сўмга ёки 3,9 фоизга (2022 йилда – 211 020 сўм) қисқартирилишига эришилган.

Ишлаб чиқариш хажми ўтган йилга нисбатан 27,2 фоизга ошган бўлса ишлаб чиқариш харажатлари 22,8 фоизга ошган.

2023 йилда юқори технологик мажмуа карьер йўлларининг талабга жавоб бермаслиги ва ҳозирги кунда фақат ўта оғир тоғ жойларидан, олдин ер ости усулида хавфсизлик тўсинлари учун қолдириб кетилган жойлардан кўмир қазиб олинаётганлиги ҳамда қиска масофага кўмирни ва тоғ жинсларини ташиш хажмининг ошиши ҳисобига ижара ва аутсорсинг шартлари асосида машина механизм ва автосамосваллар жалб қилиш ҳисобига ишлаб чиқариш тусидаги хизматлар харажатлари ўтган йилга нисбатан ошган.

Ҳисобот даври охирида тайёр маҳсулот қолдиғи таннархи – 9 175,3 млн.сўмни ташкил этди.

Давр харажатлари 55 871,5 млн.сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 13 011,8 млн.сўм ёки 30,4 фоизга ошган. (2022 йилда – 42 859,6 млн.сўм).

### **Шу жумладан:**

- маҳсулот сотиш харажатлари – 26 874,4 млн.сўм; (22 155,0 млн.сўм);
- маъмурий харажатлари – 7 482,9 млн.сўм; (5 828,9 млн.сўм);
- бошқа операцион харажатлари – 21 514,1 млн.сўм; (14 875,8 млн.сўм).

Молиявий фаолиятнинг даромадлари – 1,1 млн.сўмни (валюта курсидан даромад) ташкил этди.

Молиявий фаолиятнинг харажатлари – 74,3 млн.сўмни (фоизлар шаклидаги харажатлари) ташкил этди.

Жамият 2023 йилни 150,2 млн. сўм фойда билан якунлади. Жамиятнинг соф фойдаси ўтган йилга ва прогнозга нисбатан кескин камайишига асосий сабаблар корхонамиз ишчи ходимларининг ўртача ойлик иш хаки режага нисбатан 25,9 фоизга (8 405,8 млн.сўм) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 28,8 фоизга (9 137,5 млн.сўм) оширилган. Бундан ташқари 2012-2016 йилларда “Ўзбеккўмир” АЖдан қайтариб бериш шарти билан олинган дизель ёкилғиси ва портловчи моддаларни суд қарорига асосан ҳозирги бозор нархида ҳисоблаб, маблағ кўринишида қайтарилди. Шунга кўра нархдаги фарқ 3 315,7 млн. сўм ва 497,4 млн.сўм фойда солиғи билан жами 3 813,1 млн. сўм маблағ 2023 йил якуни билан харажатга олинганлиги ҳисобига жамиятнинг соф фойдаси ўтган йилга ва прогнозга нисбатан камайган.

Ҳисобот даврида ишлаган ходимларнинг ўртача сони 516 киши бўлиб, уларга иш ҳақи фонди ҳисобидан 40 891,7 млн сўм миқдорида иш ҳақи тўланган. Натижада корхона ходимларининг ўртача иш ҳақи 6 603 958 сўмни ташкил қилиб 2022 йилга нисбатан 1 155 400 сўмга ёки 21,2 фоизга ошишига эришилган.

Иш унумдорлиги 2022 йилда йилда ҳар бир ходимга қазиб чиқарилган кўмир миқдори 545,7 тоннани ташкил қилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 656,5 тоннани ташкил этди.

Кун тартибидаги ушбу масала Акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди :**

1. Жамият бош директори в.б. М.А.Азизкуловнинг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ҳамда тасдиқлансин.

2. Жамият ижро органи (Азизкулов)га: Жамиятнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, ҳаражатларни қисқартириш, маҳсулот таннархини камайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича тегишли чораларни кўриш топширилсин.

**Кун тартибидаги 4-масала бўйича,** Жамиятнинг бош ҳисобчиси в.б. Э.Б.Насиров ҳисобот берди. Жамиятнинг 2023 йил молиявий фаолият бўйича ҳисоботи қўйидагича:

**Асосий воситалар харакати** «Шарғункўмир» АЖ да 01.01.2023 йил ҳолатида асосий воситалар бошланғич қиймати 58 357 060 минг сўм бўлиб, 31.12.2023 йил ҳолатида асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 86 693 289 минг сўмни ташкил этди.

Асосий воситаларнинг йил бошига нисбатан 28 336 229 минг сўмга кўпайишига асосий сабаб қилиб, корхонада 2023 йил давомида кирим қилинган машина ва асбоб ускуналарни келтиришимиз мумкин (асосий воситалар қолдиғи бўйича маълумотнома).

Узоқ муддатли инвестициялар: 2023 йил 31 декабр ҳолатида 2 708 364 минг сўм узоқ муддатли инвестициялардан қолдиқ қолган (узоқ муддатли инвестициялар бўйича маълумотнома).

Капитал қўйилмалар 2023 йил 1 январ ҳолатида 1 020 402 286 минг сўм бўлиб 2023 йил давомида 551 867 490 минг сўмлик капитал қўйилмалар кирим қилинган. 2023 йил 31 декабр ҳолатида 1 572 269 776 минг сўмни ташкил этган (капитал қўйилмалар бўйича маълумотнома).

Нақд пулсиз ҳисоблашишлар жамиятнинг 20210004000311045001 сонли жорий рақами 22626000000311045001 сонли иккиламчи ҳисоб рақами ва валюта учун 20210840400311045003 сонли махсус рақамлар орқали пул муомалалари амалга оширилган.

2023 йил 1 январ ҳолатида асосий ҳисоб рақамда 4 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлиб, 2023 йил давомида 234 917 798 минг сўм кирим бўлиб, 2023 йил давомида 234 815 449 минг сўм чиқим бўлган. 2023 йил 31 декабр ҳолатида нақдсиз маблағлардан 102 353 минг сўм қолдиқ қолган.

22626000000311045001 сонли иккиламчи ҳисоб рақамида 2023 йил 1 январ ҳолатида қолдиқ мавжуд бўлмаган. 2023 йил давомида 53 203 000 минг сўм кирим бўлиб, 2023 йил давомида 53 200 674 минг сўм чиқим бўлган. 2023 йил 31 декабр ҳолатида нақдсиз маблағлардан 2 326 минг сўм қолдиқ қолган.

Валюта ҳисоб рақамига 2023 йил бошида 5 310 АҚШ доллар қолдиқ мавжуд бўлиб, 2023 йил давомида 1 838 АҚШ доллари пул тушуми бўлган. Ушбу сумма МБ курси бўйича конвертация қилиниб ушбу сумма ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун йўналтирилган. 2023 йил 31 декабр ҳолатида валюта ҳисобрақамида қолдиқ қолмаган (нақд пулсиз ҳисобрақамлар қолдиғи бўйича маълумотнома).

#### **Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган тўловлар бўйича ҳисоб китоблар:**

Жамиятда 2023 йил 01 январ ҳолатида ишчи ходимлар сони 529 нафарни ташкил этиб, 2023-йил давомида 128 киши ишга қабул қилинган бўлиб, 88 киши ишдан ўз хошишига асосан ишдан бўшаган 2023 йил 31 декабр ҳолатида 569 нафар ишловчи бўлган.

2023 йил 31 декабр ҳолатида ишчи ходимлардан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 2 807 450 минг сўм кредитор қарздорлик сакланиб қолди. Бу иш ҳақи қарздорлиги жорий қарздорлик тўлови бўлиб, декабрь ойи учун тўланиши керак бўлган иш ҳақи қарздорлиги ҳисобланади.

#### **Товар моддий захиралар:**

2023 йил 01 январ ҳолатида ишлаб чиқариш захираларидан 3 172 156 минг сўм қолдиқ бўлиб, 2023-йил давомида 20 784 636 минг сўм кирим ва 20 661 047 минг сўм чиқим бўлган. Натижада 2023 йил 31 декабр ҳолатида 3 295 745 минг сўмлик товар моддий бойликлари қолдиғи қолган (товар моддий бойликлар қолдиғи бўйича маълумотнома).

### **СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР**

#### **Умумдавлат солиқлар бўйича**

##### **Фойда солиғи**

Жамият бухгалтерияси томонидан 2023 йил давомида корхонамиз 1 282 091 сўм фойда солиғини тўлагунга қадар фойда билан якунлаган бўлиб, 1 131 920 минг сўм фойда солиғи ҳисобланди.

#### **Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи:**

2023 йил давомида жамият ишчи ходимларидан 5 606 663 минг сўм даромад солиғи ҳисобланган.

#### **Кўшилган қиймат солиғи:**

2023 йил давомида жамият ҳисоб китоби бўйича кўшилган қиймат солиғи – 41 213 084 минг сўм ҳисобланган.

#### **Сув солиғи:**

2023 йил давомида молиявий ҳисоботида 19 399 минг сўм сув солиғи ҳисобланган.

#### **Ер қаридан фойдаланганлиги учун солиқ:**

2023 йил давомида молиявий ҳисоботда ер қаридан фойдаланганлиги учун солиқ 3 990 247 минг сўм ҳисобланган.

#### **Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича**

##### **Мол - мулк солиғи:**

2023 йил давомида жамиятда мавжуд бўлган бино иншоот ва узатиш курилмаларининг қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, 178 876 минг сўм мол - мулк солиғи ҳисобланган.

##### **Ер солиғи:**

Ер солиғи 2023 йил давомида 986 480 минг сўм ҳисобланиб, Давлат солиқ органига тақдим этилган.

##### **Ижтимоий тўлов:**

2023 йил давомида ижтимоий тўловга тортиладиган иш ҳақи базаси 47 859 784 минг сўм бўлиб, ижтимоий тулов 5 511 332 минг сўм ҳисобланган.

#### **Даромадлар ёйилмаси:**

Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботида жамият маҳсулот сотишдан 118 339 385 минг сўм, бошқа фаолиятдан 2 969 842 минг сўм ҳамда валюта курси фарқидан 1 119 минг сўм, жами 121 310 346 минг сўм даромад олган (даромадлар таркиби бўйича маълумотнома).

Харажатлар ёйилмаси 2023 йил давомида олинган даромад учун жамият ўз ҳисобидан қуйидаги харажатларни амалга оширган (харажатлар таркиби бўйича маълумотнома).

Сотилган маҳсулотни таннархи	64 082 454 минг сўм;
Давр харажатлари	55 871 460 минг сўм.

Шундан:

- сотиш харажати	26 874 400 минг сўм;
- маъмурий харажатлар	7 482 930 минг сўм;
- бошқа операцион харажатлар	21 514 130 минг сўм;

<b>Жами харажатлар :</b>	<b>119 953 914 минг сўм.</b>
--------------------------	------------------------------

Молиявий натижа 2023 йил якуни бўйича жамиятда маҳсулот (ишлар хизматлар) сотишдан тушум 118 339 385 минг сўм бўлиб, сотилган маҳсулотлар таннари 64 082 454 минг сўмни ташкил этган. 2023 йилни 150 171 минг сўм фойда билан якунланган.

Дебитор ва кредитор қарздорликлар: Жамиятда дебитор ва кредитор қарзлари кўриб чиқилганда 2023 йил 31 декабр ҳолатида 115 610 732 минг сўм дебиторни ташкил этган. 2023 йил 31 декабр ҳолатида кредиторлик қарзи 530 576 392 минг сўм бўлган.

Жамиятда дебитор ва кредитор қарзлари кўриб чиқилганда жамиятда 2023 йил 1 январь ҳолатида 57 730 084 минг сўм дебиторлик қарзлари мавжуд бўлиб, 31 декабр ҳолатига келиб дебиторлик қарзлари 115 610 732 минг сўмни ташкил этди. Дебитор қарздорликлар таркиби таҳлил қилинганда, асосий қисми, яъни харидор ва буюртмачилар қарзи таркибида асосий кўмир маҳсулоти истеъмолчиси бўлган “Янги Ангрен ИЭС” АЖ (СТИР 200 595 838) нинг 6 011 106 минг сўм, "AMIKAM INTERNATIONAL GROUP CO., LIMITED" DM га ўтказилган бўнак тўлови 53 811 705 минг сўм ва бошқа дебитор қарздорлигидир. Ушбу дебитор қарздорлик 2024 йил март ойида схема ва бажарилган иш далолатномаларини қабул қилиш орқали бартараф этилган (дебиторлик қарздорликлар тўғрисида маълумотнома).

Кредитор қарздорликлар таҳлил қилинганда, 2023 йил 1 январь ҳолатида 48 175 346 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2023 йил 31 декабр ҳолатида 530 576 392 минг сўмни ташкил этган.

Ушбу кредитор қарздорликлар таркиби таҳлил қилинганда, асосий қисми, яъни 432 438 871 минг сўм кредиторлик қарздорликлар асосан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхона ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган ЁММ маҳсулотлари, ёғоч маҳсулотлари ҳамда бошқа олинган ТМБ лар ҳисобидан юзага келган. Юқоридаги кредитор қарздорликларни бартараф этиш мақсадида, капитализация қилиш ишлар амалга оширилмоқда (кредитор қарздорликлар тўғрисида маълумотнома).

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Муҳокамадан сўнг таклиф овозга қўйилди.

#### **Овоз бериш натижалари:**

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қўйидаги  
Қарор қабул қилинди:**



1. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 5-масала бўйича, “Шарғункўмир” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 давомида кузатув кенгаши томонидан ўтказилган йиғилишлар, жамият томонидан олиб борилган ишлар, жамиятнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари, 2023 йил давомида кузатув кенгаши томонидан берилган топшириқларнинг ижроси бўйича ҳисоботи тингланди.**

Кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш учун овозга қўйди.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди :**

1. “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг 2023 йил якуни бўйича ўтказилган йиллик умумий йиғилишлар орасида қабул қилинган йиғилиш қарорлари тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 6 масала юзасидан** Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботи йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди.

Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари қуйидаги кўринишда бўлган:

бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)

молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл)

“SHARG’UNKO’MIR” АЖ устав капитали 7 029 420 минг сўмни ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоб стандартлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

2023 йил якуни мобайнида “SHARG’UNKO’MIR” АЖ даромадлари жами бўлиб 121 310 346 минг сўмга тенг. Шундан:

- асосий фаолият тури бўйича даромадлари – 118 339 385 минг сўмни;
- бошқа даромадлар – 2 969 842 минг сўмни;
- молиявий фаолиятнинг даромадлари – 1 119 минг сўм.

Жамиятнинг 2023 йил якунида жами бўлиб харажатлари 119 953 914 минг сўмни ташкил этган. Шулардан:

- сотилган маҳсулот(товарлар, ишлар ва хизматлар)ларнинг таннархи 64 082 454 минг сўмни;

- давр харажатлар жами бўлиб 55 871 460 минг сўмни ташкил этган.

Шундан:

- сотиш харажатлар – 26 874 400 минг сўм;
- маъмурий харажатлар – 7 482 930 минг сўмни;
- бошқа операцион харажатлар – 21 514 130 минг сўмни;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар – 74 341 минг сўмга тенг;
- фойда солиғи – 1 131 920 минг сўм.

2023 йил якуни ҳолатига солиқларни тўлагунга қадар фойда 1 282 091 минг сўмни ташкил этган. Солиқлар тўлангандан кейинги соф фойда эса 150 171 минг сўмни ташкил этади.

2023 йил 31 декабрь ҳолатига банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг қолдиғи 104 680 минг сўмни ташкил этади. Шундан:

- асосий ҳисоб рақам бўйича – 102 354 минг сўм;
- маҳсул хисобрақам бўйича – 2 326 минг сўмга тенг.

2023 йил 1 январь ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 58 357 060 минг сўмга тенг бўлган бўлса, эскириш қиймати 33 325 644 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 25 031 416 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот даври охирида яъни 2024 йил 1 январь ҳолатига эса асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 86 693 289 минг сўмни, эскириш қиймати 38 590 056 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 48 103 233 минг сўмни ташкил этган.

2023 йил 1 январь ҳолатига дебитор қарздорлик 57 730 084 минг сўмни ташкил этган бўлса ҳисобот даври охирида 57 880 648 минг сўмга ошиб 2024 йил 1 январь ҳолатига 115 610 732 минг сўмни ташкил этди. Муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд эмас.

2023 йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик суммаси 48 175 346 минг сўмни ташкил этган бўлса 2024 йил 1 январь ҳолатига эса 482 401 046 минг сўмга кўпайиб 530 576 392 минг сўмни ташкил этган. Муддати ўтган жорий кредитор қарздорлик мавжуд эмас.

Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг (кейинги ўринларда - Қонун) 9-бобига мувофиқ тузилиши лозим.

Қонуннинг 87-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижроия органи ва ички аудит хизмати томонидан ўрганилади.

Ўрганиш натижалари баённомада расмийлаштирилади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Жамият томонидан тақдим этилган маълумотномага асосан 2023 йил якуни бўйича жами 1 438 та шартнома тузилган бўлиб, йирик битим тузилмаган.

Шундан, электрон дўкон орқали 1 276 дона, аффилиланган шахслар 62 дона ва қолган 100 донаси тўғридан-тўғри тузилганлиги маълум бўлди.

#### **Жамиятнинг раҳбариятига:**

Жамиятда 2023 йил 31 декабрь ҳолатига муддати ўтган дебитор қарздорлик 10 072 558 минг сўми ва муддати ўтган кредиторлик қарздорлик 33 669 826 минг сўми ташкил этган бўлиб, уларни камайтириш;

Жамиятнинг 2023 йил 31 декабрь ҳолатига аниқланган қиймати 9 175 271 минг сўм бўлган тайёр маҳсулотларни камайтириш тавсия этилади (тафтиш комиссиясининг хулосаси илова қилинади).

“SHARG’UNKO’MIR” АЖ тафтиш комиссиясининг 2023 йил 4 чорак давомида аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосаси.

Жамият томонидан 2023 йил 4 чорак давомида ушбу хулосанинг иловасида келтирилган аффилиланган шахслар билан битимлар тузилган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 88 - моддасига мувофиқ Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Шунга кўра жамият акциядорларининг 2023 йил 30 июндаги умумий йиғилиш қарорига асосан аффилиланган шахслар билан келгусида “SHARG’UNKO’MIR” АЖ томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг келгуси йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлари маъқуллашган.

“SHARG’UNKO’MIR” АЖ томонидан жами 359 дона шартномалар тузилган бўлиб ундан 7 донаси аффилиланган шахслар билан тузилган шартномалардир.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 83-моддасига мувофиқ Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 84 - моддасига мувофиқ Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик

битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди. Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

Жамият томонидан 2023 йил 4 чорак давомида йирик битимлар тузилмаган. (Тафтиш комиссиясининг хулосаси илова қилинади).

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Муҳокамадан сўнг таклиф овозга қўйилди.

#### **Овоз бериш натижалари:**

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

#### **Умумий йиғилиш кун тартибидаги олтинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди:**

1. Жамият тафтиш комиссиясининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ҳамда тасдиқлансин ва кейинги ҳисобот даврида ушбу камчиликларни такрорламаслик чоралари кўрилсин.

**Кун тартибидаги 7 масала юзасидан** Жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошлиғи Х.А.Ташкулов сўзга чиқиб, Жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизими мустақил баҳоловчи ташкилот “ТТТ-AUDIT” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилди.

Мустақил баҳоловчи томонидан Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими қонунчиликда белгиланган тартибда баҳоланиб, тегишли хулоса тақдим қилинди. Хулосага кўра, Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими максимал 1200 баллдан 727 баллни ёки **61% га баҳолангани ва Жамият корпоратив бошқарув тизимига “юқори”** даража берилгани қайд этилди.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

#### **Овоз бериш натижалари:**

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

#### **Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан қабул қилинган қарор:**

1. “Шаргункўмир” акциядорлик жамияти Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича “ТТТ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 8 масала юзасидан** Жамият бош директори в.б. М.А.Азизкулов томонидан жамиятининг 2023 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва 2023 йилга мўлжалланган Бизнес-режанинг бажарилиши юзасидан кун тартибидаги масалада эътироф этган ҳисоботини такрорлаб, барча солиқ ва бошқа бюджет тўловлари тўлангандан кейин корхонанинг 2023 йилдаги соф фойдаси 150 171 минг сўмни ташкил этди. Ушбу соф фойдани “Шарғункўмир” АЖ ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун йўналтирилиши таклифини берди.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан қабул қилинган қарор:**

1. Жамият томонидан 2023 йил якуни бўйича олинган 150 171 минг сўмлик соф фойдаси “Шарғункўмир” АЖни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун йўналтирилсин ва тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 9 масала юзасидан** раислик қилувчи Р.П.Юсупов сўзга чиқиб, Кузатув кенгаши мажлисида Жамиятнинг 2023 йил учун йиллик ҳисоботи дастлабки тарзда маъқуллангани сабабли Бош директорнинг ушбу даврдаги фаолияти қониқарли деб топилганини қайд этди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Р.П.Юсупов Жамият бош директорлигига Азизкулов Маъруфжон Абдухафиз ўғлини тасдиқлаш ва у билан 3 йил муддатга меҳнат шартномаси тузиш таклифини берди.

Муҳокамадан сўнг, қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан қабул қилинган қарор:**

1. “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти бош директори этиб Азизкулов Маъруфжон Абдухафиз ўғли тасдиқлансин ва у билан 3 йил муддатга меҳнат шартномаси тузилсин.

2. Жамият Кузатув кенгаши раисига ўрнатилган тартибда “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти бош директори билан меҳнат шартномаси имзоласин.

**Кун тартибидаги 10 масала юзасидан** Жамиятнинг иқтисод ва молия ишлари бўйича бош директор ўринбосари в.б. Ж.Ю.Шойматов сўзга чиқиб

хисобот берди. “Шарғункўмир” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича – молиявий хисоботнинг халқаро стандартлари бўйича аудит текширувидан ўтказиш учун аудитор этиб “xt-xarid.uz” электрон савдо майдончаси орқали автоматик тарзда ғолибни белгилаш натижасига асосан ғолиб деб топилган ва ушбу танлов натижасига кўра “ТТТ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқланган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда шартнома имзоланган бўлиб, жамиятнинг 2023 йилги молиявий хисоботларини халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик хулосалари билан мажлис катнашчиларини таништириб ўтди (Аудит хулосалари илова қилинади).

Унга кўра, жамиятнинг 2023 йил молия - хўжалик хисоботларининг ҳолати тўғри аке эттиришини қайд этиб, ижобий хулоса берилганлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан қабул қилинган қарор:**

1. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик хулосалари тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 11 масала юзасидан** Жамиятнинг иқтисод ва молия ишлари бўйича бош директор ўринбосари в.б. Ж.Ю.Шойматов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 88-моддасига мувофиқ Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлигини маълум қилди.

Жамиятнинг ҳозирги кунда йирик акциядори “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимдаги корхоналар ҳисобланади. Улар билан Жамият кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда мустақил равишда битимни (битимларни) тузилиши акциядорлар умумий йиғилишида маъқулланиши лозим.

Ижро органи томонидан акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда аффилиланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар иловага асосан киритилмоқда (Аффилиланган корхоналар рўйхати илова қилинади).

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Кун тартибдаги ўн биринчи масала юзасидан қабул қилинган қарор:**

1. Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг 2024 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибдаги корхоналар билан конунчиликда белгиланган тартибда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишга розилик берилсин.

**Кун тартибдаги 12 масала юзасидан** Жамият Прогнозлаштириш, иқтисод ва таҳлил бўлими бошлиғи С.Х.Абдиев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган жамият истиқболини белгиловчи Бизнес – режаси Жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 30 ноябрдаги йиғилишида кўриб чиқилиб маъқулланганлиги ва 2024 йил кўмир ресурслари ва тақсимоти баланси тасдиқлангандан сўнг акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритишга топшириқ бериб ўтилган. *(2024 йил учун кўмир ресурслари ва тақсимоти баланси илова қилинади).*

Кун тартибдаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Кун тартибдаги ўн иккинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:**

1. “Шарғункўмир” АЖнинг 2024 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси тасдиқлансин.

**Кун тартибдаги 13 масала юзасидан** Жамият Прогнозлаштириш, иқтисод ва таҳлил бўлими бошлиғи С.Х.Абдиев сўзга чиқди ва ўз нутқида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида” 2015 йил 28 июлдаги 207 – сонли ҳамда 09.12.2020 йилдаги 775–сонли қарорларига асосан 2023 йил якуни бўйича жамиятнинг фаолият самарадорлигининг муҳим ва кўшимча кўрсаткичлари бўйича “ТТТ - AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти хисоботини ўқиб эшиттирди.

Ҳисоботга кўра, 2023 йил якунлари бўйича самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари 67,94 фоизга, кўшимча кўрсаткичлари 151,24 фоизга бажарилиб, самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) - 109,59 фоизни ташкил этган. Жамиятнинг фаолият самарадорлигининг асосий ва кўшимча кўрсаткичларини бажарилиши илова қилинади.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасида қуйидаги қарор қабул қилинди:**

1. Жамиятнинг 2023 йилда фаолияти самарадорлигининг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилиши бўйича “ТТТ AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2023 йилда самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи – етарли даражада бажарилганлиги эътироф этилсин.

3. Жамиятнинг 2023 йилдаги фаолияти самарадорлигини ҳисобга олиб, Жамият бош директориغا окладининг 109,59 фоизида, ижроия органи аъзолари ҳамда кузатув кенгаши котибига белгиланган ойлик иш ҳақи окладининг 109,59 фоизида рағбатлантирилсин.

**Кун тартибидаги 14 масала юзасидан** Жамият бош директорининг иқтисод ва молия ишлари бўйича ўринбосари в.б. Ж.Ю.Шойматов сўзга чиқди ва ўз нутқида, Жамиятнинг 2024 йил фаолияти якунлари бўйича ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини тасдиқлаш зарурлиги бўйича қисқача тўхталиб ўтди.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасида қуйидаги қарор қабул қилинди:**

**Жамият ижроия органига:**

1. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти якунлари бўйича ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини 100,0 миллион этиб белгилансин.

2. “Шарғункўмир” АЖнинг 2024 йил фаолияти якунлари бўйича ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилсин.

3. “Шарғункўмир” АЖнинг 2024 йил фаолияти якунлари бўйича ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик



ташкilotини танлаш бўйича танлов натижасига кўра голиб деб топилган аудиторлик ташкilotи билан Қонунчиликда белгиланган тартибда шартнома имзолансин.

**Кун тартибидаги 15 масала юзасидан** Жамият юридик бўлими бошлиғи Х.Х.Каримов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 январ кунидаги № 2727 – сонли қарорига асосан “Шарғункўмир” АЖ да ““Шарғункўмир” АЖ ни модернизация қилиш натижасида йилига 900.0 минг тонна тошкўмир казиб олиш инвестиция лойихаси” доирасида 10 штольня худудида кўмирни казиб олишни назорат қилиш ва ўз вақтида кўмирни казиб олиш даврида чикқан муаммоларни бартараф этиш мақсадида маъмурий маиший бино курилиб фойдаланишга топширилганлиги сабабли қуйи технологик мажмуада жойлашган яъни Сариосиё туман Шарғун шаҳри Акмал Икромов кўчаси 50 уй манзилида жойлашган маъмурий маиший бинодан **Сариосиё тумани, “Шарофобод” маҳалласи, Минор кўчаси 35 уй манзилида жойлашган 10 штольня худудидаги замонавий типда курилган маъмурий маиший бинога кўчиб ўтилганлигини** инобатга олган ҳолда жамиятнинг айрим ҳужжатларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши зарурлиги бўйича тўхталиб ўтди.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, Жамиятнинг Уставига ва тегишли ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиб, қайта тасдиқлаш зарурлиги ҳақида маълум қилинди.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва муҳокамадан сўнг қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 507 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасида қуйидаги қарор қабул қилинди:**

**Жамият ижроия органига:**

1. “Шарғункўмир” АЖнинг амалдаги манзили яъни Сариосиё туман Шарғун шаҳри Акмал Икромов кўчаси 50 уй манзилида жойлашган маъмурий маиший бинодан **Сариосиё тумани, “Шарофобод” маҳалласи, Минор кўчаси 35 уй манзилида жойлашган 10 штольня худудидаги замонавий типда курилган маъмурий маиший бинога кўчиб ўтилганлигини** инобатга олган ҳолда Жамиятнинг Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар маъқуллансин ҳамда тасдиқлансин.

2. “Шарғункўмир” АЖнинг манзили ўзгарганлиги сабабли жамият Устави ҳамда тегишли ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилсин ва мутасадди Давлат ташкilotлари ва ҳамкор ташкilotларига манзил ўзгарганлиги маълум қилинсин.

3. “Шарғункўмир” АЖ бош директори М.А.Азизкулов, Жамият Янги таҳрирдаги Уставини белгиланган тартибда ва муддатда Давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Мажлис раиси:



Р.П.Юсупов

Мажлис котиби:



Х.А.Ташкулов

Баённома тузилган ва имзоланган сана “ 4 ” июл 2024 йил.